74 897

*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1 август, жума, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 160 (1677)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ*

**Ж. Б. Сайфиддиновни Ўзбекистон Республикаси Молия вазири этиб тайинлаш тўғрисида**

Жамшед Бадриддинович Сайфиддинов Ўзбекистон Республикаси Молия вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 31 июль.

## ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА ҒАМХЎРЛИК ЙЎЛИДА

31 июль куни мамлакатимизда қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда тегишли вазирлик, уюшма, бирлашмалар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг шу соҳа билан шуғулланувчи ўринбосарлари иштирок этди. Йиғилишда «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги республика Вазирлар Маҳкамаси қарорида кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Мажлисни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда таъкидландики, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари жорий йилнинг биринчи ярмида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш борасида муайян ишларни амалга оширганлар. Хусусан, республика бўйича савдо шохобчаларини ишга тушириш вазифалари йиллик топшириққа нисбатан 58 фоиз, маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари бўйича 92 фоиз, уй-жой қуриш 44 фоиз, умумий овқатланиш бўйича 62 фоиз, телефонлаштириш бўйича қарийб юз фоиз ҳажмда адо этилган. Бу мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш устувор йўналиш эканлигидан далолат беради. Шу билан бирга, қишлоқларда 56 тиббиёт пункти, қарийб 12 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 2124 километр газ узатиш, 574 километр сув узатиш тармоқлари ишга туширилган. Лекин, афсуски, бу йил давомида бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг ўртача 20-30 фоизини ташкил этади, холос.

Республика макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг ўринбосари Б. Хўжаев, соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, «Ўздеҳқончиликқурилиш» бирлашмаси раиси О. Йўлдошев, «Ўзсувқурилиш» концерни раиси Р. Жуманазаров, «Ўзжамоахўжаликқурилиш» бирлашмаси раиси В. Камолов, Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари К. Қобилов, Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Ж. Шукуров, Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Н. Каримов, Сирдарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ. Янгибоев муҳокама этилган масала юзасидан ахборот бердилар.

Йиғилишда тиббиёт пунктларини ташкил этиш, айниқса, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ишларига жойларда асосий эътиборни қаратиш лозимлиги таъкидланди. Чунки бу соҳадаги бепарволик турли ички касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Кўп мактаблар қурилиши 80-90 фоиз бажарилган, холос. Янги ўқув йили бошлангунга қадар бу ишларни ниҳоясига етказиш, уларни замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш зарур.

Масаланинг шу жиҳатига эътибор бериш лозимки, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар асосан давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланмоқда. Ана шу ажратилган маблағни ҳам ўзлаштира олмаётган айрим ҳокимлик ва қурилиш ташкилотлари фаолияти йиғилишда кескин танқид қилинди.

Мажлисда мутасадди раҳбарларга биринчи ярим йилликда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, қолган вақт мобайнида инсон манфаатларига хизмат қилувчи иншоотларни фойдаланишга топшириш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юкланди. Бу борада аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда республика Бош вазири ўринбосарлари А. Азизхўжаев, М. Усмонов, Б. Ҳамидов, Р. Юнусов, К. Раҳимов қатнашди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларини сайлаш бўйича 1997 йил 27 июль куни ўтказилган сайлов натижаларини кўриб чиқди.

Саккизта округда ўтказилган сайловда сайловчилар «Адолат» социал-демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси, Халқ демократик партияси ва тегишли халқ депутатлари вилоят Кенгашлари томонидан кўрсатилган номзодлар учун овоз беришда иштирок этдилар.

Овоз беришда 22-Шайхонтоҳур округида сайловчиларнинг 91,8 фоизи, 59-Когон округида сайловчиларнинг 99,4 фоизи, 69-Зарбдор округида сайловчиларнинг 98,4 фоизи, 116-Нуробод округида сайловчиларнинг 95,4 фоизи, 195-Олтиариқ округида сайловчиларнинг 98,6 фоизи, 217-Янгибозор округида сайловчиларнинг 99,2 фоизи, 223-Бешкент округида сайловчиларнинг 99,8 фоизи, 236-Яккабоғ округида сайловчиларнинг 96,8 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси сайлов барча округларда Қонун талабларига мувофиқ ўтганини қайд этди.

Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари тўғрисида тегишли округ сайлов комиссиялари тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11 ва 46-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайланган депутатларни рўйхатга олиш ҳамда сайланган депутатлар рўйхатини республика ва тегишли маҳаллий матбуот органларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

### БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА 1997 ЙИЛ 27 ИЮЛЬ КУНИ ЎТКАЗИЛГАН САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛАНГАН ДЕПУТАТЛАР РЎЙХАТИ

| №№ | Депутатнинг фамилияси исми, отасининг исми | Туғилган йили | Депутатликка номзод кўрсатган органнинг номи | Эгаллаб турган лавозими (машғулот тури) | Иш ва яшаш жойи номи | Сайлов округининг тартиб рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Аминов Неъмат | 1937 | Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши | Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг раҳбари | Тошкент шаҳри | 116-Нуробод |
| 2. | Даминов Турғунпўлат Обидович | 1941 | Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси | Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг биринчи котиби, I-Тошкент давлат тиббиёт институтининг ректори | Тошкент шаҳри | 22-Шайхонтоҳур |
| 3. | Досмуҳамедов Хуршид Набиевич | 1951 | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси | Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш фонди ҳамраиси, «Ҳуррият» газетасининг бош муҳаррири | Тошкент шаҳри | 69-Зарбдор |
| 4. | Жумаев Рустам Зиятович | 1960 | Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси | Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг биринчи проректори | Тошкент шаҳри | 217-Янгибозор |
| 5. | Мўминов Нўмонжон Шодиевич | 1947 | Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши | Фарғона вилояти ҳокими | Фарғона шаҳри | 195-Олтиариқ |
| 6. | Саидов Акмал Холматович | 1958 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори | Тошкент шаҳри | 223-Бешкент |
| 7. | Юсупов Боймурот Жумаевич | 1962 | Ўзбекистон Халқ демократик партияси | «Камолот» ёшлар жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлимининг раиси | Қарши шаҳри | 236-Яккабоғ |
| 8. | Хусенов Самойдин Касимович | 1946 | Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши | Бухоро вилояти ҳокими | Бухоро шаҳри | 59-Когон |



*Бухоро вилояти:*

## МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ



## ИСТИҚБОЛИ ЁРҚИН ЮРТ

**Нуриддин ОЧИЛОВ,
Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари**

Юртимизда қарор топган тинчлик, барқарорлик ва фуқаролар ҳамжиҳатлиги иқтисодий-сиёсий ва маънавий соҳадаги туб ислоҳотлар муваффақияти учун муҳим кафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Бозор муносабатларига асосланган янги жамиятни шакллантириш борасида ишончли қадамлар ташланаяпти. Давлат мулкини хусусийлаштириш, тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантириш тобора янги кўлам касб этаётир. Буни вилоятимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида 3861 та корхонанинг мулк шакли ўзгартирилиб, улардан 630 таси ҳиссадорлик жамиятларига, 98 таси жамоа мулкига айлантирилди. 6209 та корхона эса фуқароларга хусусий мулк қилиб берилди. Маиший хизмат, савдо, қишлоқ хўжалиги тармоқларида хусусийлаштириш ниҳоясига етказилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида янги табақа — мулкдорлар синфи шаклланмоқда. Бугунги кунда вилоятда 6 мингдан зиёд кичик тадбиркорлик субъектлари мавжуд бўлиб, уларда 27 мингга яқин киши меҳнат қилмоқда. 1991 йилга нисбатан кичик корхоналар сони 6 баравар ўсди. Уларнинг умумий маҳсулот, товарлар ва хизматлар ҳажмидаги улуши эса 2,5-3 марта ошди.

Банкларнинг кўпайиб бориши бозор талабларидан биридир. Аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатиш улар зиммасидаги асосий вазифа ҳисобланади. Вилоятда 1991 йилда атиги 6 та банк фаолият кўрсатган бўлса, айни кунда бу кўрсаткич 12 тадан ошиб кетди. Улар томонидан тадбиркорлик тизимларини ривожлантириш учун 528 миллион сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.

Вилоят саноати тизимида 100 дан зиёд йирик корхоналар мавжуд. Уларнинг 80 таси давлат тасарруфидан чиқарилган. Бошқа мулк шаклидаги корхоналарнинг ялпи саноат маҳсулотидаги ҳажми 1997 йилнинг ўтган даври мобайнида 95 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эътибор кучайтирилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, саноат ишлаб чиқариш ҳажми жорий йилнинг олти ойида бир неча баробарга кўпайди.

Саноат корхоналарини замонавий технология ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳозирги кундаги асосий масалалардан биридир. Бу йўналишда ҳам вилоятда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятига қарашли корхоналар 1992 -- 1996 йиллар мобайнида Швейцария, Германия, Голландия ва Ҳиндистоннинг дунёга машҳур фирмаларидан олинган замонавий асбоб-ускуна ва технологиялар билан таъминланди. Натижада бу ерда жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган сифатли газламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларнинг харидорлари эса кун сайин кўпайиб бормоқда.

Бугунги кунда, шунингдек, қўшма корхоналар саноатимиз қудратини оширишнинг асосий бўғинига айланган. Туркия, Жанубий Корея, Греция, Исроил, Германия, Ҳиндистон, Америка ва бошқа мамлакатларнинг саноатлари билан ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда. Вилоят ҳудудида фаолият юритаётган 50 дан зиёд қўшма корхона ана шу ҳамкорлик мевасидир.

Айниқса, Қоровулбозорда барпо этилаётган нефтни қайта ишлаш заводига халқимиз катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Чунки яна бир неча кундан сўнг ишга тушириладиган бу корхона республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Заводнинг дастлабки иншооти -- газ конденсати қуйиш эстакадаси 20 ой ўрнига 7 ойда қуриб фойдаланишга топширилди. Янги завод майдони эса 300 гектардан иборат бўлиб, у 5 миллион тонна нефть ва газ конденсатини қайта ишлашга мўлжалланган.

Бухоройи Шарифда барпо этилган яна бир замонавий корхона — «Гуфик-Авиценна» Бухоро-Ҳиндистон фармацевтика заводини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. У нафақат мамлакатимиз, балки қўшни республикаларни ҳам турли дори-дармонлар билан таъминлаш қувватига эгадир.

Республикамиз Президентининг аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги Фармони изчиллик билан бажарилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори инсонга қулай меҳнат ва яшаш шароитларини вужудга келтириш соҳасидаги ишларга янги жўшқинлик бахш этди. Истиқлол бухороликларнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқармоқда. Умумий узунлиги 210 километр бўлган ва бир кеча-кундузда 300 минг куб метр тоза оби-ҳаёт етказиб берадиган Дамхўжа -- Навоий -- Бухоро сув иншооти 1993 йилда фойдаланишга топширилган эди. Мана, уч йилдирки, бу йирик сув қувуридан нафақат вилоят маркази, балки Бухоро ва Ғиждувон туманлари аҳолиси ҳам баҳраманд бўлмоқда. Мустақиллик йилларида вилоят шаҳар ва туманларида 800 километрдан ортиқроқ водопровод тармоқлари барпо этилди. 3 минг километрга яқин газ қувурлари тортилиб, 60 мингдан зиёд хонадон «зангори олов» билан таъминланди.

**(Давоми 2-бетда).**

### ЯНГИ ШИФОХОНА

***Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан вилоятда диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Мана, жонли мисол.***

Бухоро туманидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалигининг Боғдош қишлоғида замонавий тиббиёт маскани қад ростлади. Уни қуриб, ишга тушириш учун атиги уч ой кифоя қилди, холос.

Амбулаторияда зарур шарт-шароит яратилган. Замонавий асбоб-ускуналар шифохона жамоаси мушкулини осон қилмоқда.

### 33 ХИЛ МАҲСУЛОТ

***Бухородаги И. Фозилов номли трикотаж фабрикасида маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда Жамоанинг саъй-ҳаракати туфайли жорий йилнинг ўтган даврида 33 хилдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.***

Айниқса, трикотаж буюмларга талаб ошиб бормоқда. Бухоронинг 2500 йиллиги юбилейи рамзлари туширилган кийим-кечаклар ҳам савдо пештахталаридан ўрин олаётир. Кутлуғ тўй арафасида улар ўз харидорларини топишига шубҳа йўқ.

## ДОВРУҒИ ДОСТОН БЎЛГАЙ

**Республика маданият ишлари вазири ўринбосари Баҳодир Абдураҳимов билан мулоқот**

**-- Баҳодир ака, шу кунларда нафақат республикамиз, балки Марказий Осиё ва бутун дунё халқлари эътибори «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказиладиган Самарқандда эканлиги табиий. Ўзбекистоннинг бир фарзанди сифатида бундан ҳар биримиз беҳад фахрланамиз, тўғрими?**

-- Албатта. Бундай кунларга етиб келмоқликнинг ўзи катта бахт. Самарқандни «Шарқ дарвозаси» деб аташлари бежиз эмас. Қадим тарихий обидалари, осори-атиқалари кўп ва шарқона қурилган бундай шаҳар ер юзида йўқ. Мустақилликнинг олти йили давомида у ерда катта ишлар амалга оширилди. Улуғбекнинг 550, Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик юбилейлари нишонланди. Атиги бир неча кунлардан сўнг эса «Шарқ тароналари» фестивали бошланади.

**-- Самарқанддаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолгандир?**

-- Фестивалнинг йирик тадбирлари бўлиб ўтадиган Регистон майдонида 30 метрли асосий саҳна ва 3,5 минг ўринли амфитеатр тахт қилиб қўйилди. Бундан ташқари, яна 4 та майдон қуриб битказилди. Буларга «Ўзсаноатқурилиш», «Ўзмонтажмахсусқурилиш» корпорациялари ҳомийлик қилди. «Ўзавтотранс» ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси фестивалга келадиган вакиллар ва иштирокчиларга бепул транспорт хизмати кўрсатишни ўз зиммасига олди. Умуман олганда, ҳомий ташкилотлар 20 тадан ортиб кетди. Фақат, Самарқанд шаҳри ва вилоятидан 10 тадан зиёд ташкилот фестиваль тадбирларига мутасаддилик қилмоқда. «Ориен» хусусий фирмаси, «Самарқанд -- Прага», «ЎзБАТ» қўшма корхоналари шулар сирасига киради.

**-- Фестивалга қатор чет эл мамлакатларидан фахрий меҳмонлар ҳам ташриф буюришадими?**

-- Бугунга қадар хорижлик давлат ва жамоат арбобларидан 20 нафари фестивалда қатнашиш истагини билдириб, расмий мактуб йўллашган. Улар қаторига ЮНЕСКО Бош директорининг маданият ишлари бўйича ўринбосари Лордес Ариспи, Япония маданият, маориф ва фан вазири Такаши Косуги, Франция маданият вазири Катерин Тротман, Корея Республикаси маданият ва спорт вазири Сонг Тэ Хо жанобларини киритиш мумкин.

**-- Фестиваль дастури хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

-- Бир сўз билан айтганда, фестиваль дастури, у ерда ўтказиладиган ҳар бир тадбир ипидан-игнасигача пухта режалаштирилган. Фестиваль «Буюк ипак йўли» деб номланган театрлаштирилган томоша билан очилади. Вилоятлардан келган санъаткорларнинг чиқишлари бўлади. Фестиваль давомида қўшиқчилик жанрларига бағишланган конкурслар ташкил этилади. Масалан, «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» конкурсида Муножат Йўлчиева, Насиба ва Марям Сатторовалар куйлайди. Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллаева, «Ялла» ва «Байрам» гуруҳлари замонавий қўшиқлар ижро этади. Яна Ўзбекистон санъат усталари ва хорижлик меҳмонларнинг конкурсдан ташқари чиқишлари ҳам кўзда тутилган.

Шуни қувонч билан таъкидлаш кераки, Самарқанд шаҳридаги барча майдонларда мустақилликнинг олти йиллигига бағишланган махсус байрам концертлари уюштирилади.

**-- Совринлар қандай қўшиқлар учун берилади?**

-- Фестиваль қўшиқлари ҳар томонлама гўзал, маънодор ва мукаммал бўлиши тақозо этилади. Шу боис миллий қадриятларни юксак бадиий савияда улуғлагани, шарқона анъаналарнинг ёрқин ифодаси, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, Шарқ ва Ғарб санъати анъаналарининг муштарак ифодаси, энг яхши классик қўшиқ ижроси, энг яхши фольклор дастури, энг яхши замонавий (эстрада) қўшиқ ижроси, энг яхши театрлаштирилган мусиқий дастур, энг яхши биринчи бор чиқиш-дебют учун совринлар белгиланган.

Фестивалнинг бош соврини -- Гран При ва 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофоти энг моҳир ижрочига берилади.

Самарқанд узра янграйдиган Шарқ наволари Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида чирой очган кўркжамолини, унинг яратувчан ва бунёдкор халқи иқтидорини бутун дунёга кўз-кўз айлашига ишончим комил.

**«Халқ сўзи» мухбири Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди.**

## Бухоро вилояти:

# МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ

# ИСТИҚБОЛИ ЁРҚИН ЮРТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иқтисодиётимизнинг деҳқончилик секторида ҳам туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўтган олти йил ичида барча давлат хўжаликларининг мулк шакли ўзгартирилиб, улар жамоа, ширкат, ижара ва бошқа нодавлат шаклига айлантирилди. Бугунги кунда вилоятда 173 та жамоа хўжалиги, 10 та ижара корхонаси, 864 та фермер хўжалиги, кўпгина шахсий фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда мавжуд боғлар, токзорлар деҳқонларга хусусий мулк қилиб берилди. Бунинг натижасида одамларнинг ерга, мулкка бўлган муносабатлари ўзгариб, маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори ва сифати ошди, манфаатдорлик кўпайди.

Жорий йил вилоят «кумуш тола» ижодкорлари учун ҳам баракали келди. Улар мамлакатга 2600 тоннадан ошиқроқ пилла етказиб бердилар. Айниқса, дон мустақиллигини таъминлаш йўлида шахдам қадамлар қўйилди. 90-йиллар бошида вилоят бўйича 3-4 минг гектар ерга ғалла экилган бўлса, ҳозир бу майдон 60 минг гектарга етди. Вилоят ғаллакорлари дон сотиш режасини республикада иккинчи бўлиб бажардилар.

Деҳқончилик маданиятининг юксалиб бориши, қишлоқ хўжалигида илғор технологияларнинг қўлланилиши туфайли минглаб кишиларнинг дала ишларидан бўшаб қолиши объектив жараёндир. Ана шу кишиларни иш билан таъминлаш, саноатни қишлоққа яқинлаштириш, хизмат соҳаларини кенгайтириш мақсадида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда вилоят қишлоқларида 347 та кичик корхоналар ташкил этилган. Жумладан, 20 та мева-консерва, 63 та тикувчилик ва 42 та гилам тўқиш цехлари, 90 та ғишт заводи ва ҳоказолар фаолият кўрсатмоқда.

Бу йил кўҳна шаҳарнинг 2500 йиллиги кенг нишонланади. Шу муносабат билан тайёргарлик ишлари авж олдирилиб, тарихий ёдгорликлар қайта таъмирланаяпти. Энг муҳими, шаҳар акваторияси, ер ости сувлари сатҳини пасайтиришга эришилди. Бу тарихий обидалар умрига-умр қўшадиган савоб ишлардан биридир. Яқинда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Бухоро ва Хива шаҳарлари юбилейининг нишонланиши Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини янада мустаҳкамлади, десак хато қилмаймиз.

Бухоро ёшариб бораётган қадим ва навқирон шаҳардир. Айни кунда 16 та тарихий обида таъмирлашдан чиқарилаяпти. Бу объектларда 460 миллион сўмлик иш бажарилиши лозим. Ёдгорликларга кўрк ва чирой бағишлашда бухоролик усталар билан бир қаторда Тошкент, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз, Навоий, Жиззах вилоятларидан келган 200 дан зиёд мутахассислар фаол иштирок этмоқдалар. Юбилейга тайёргарлик кўриш жараёнида 12 та янги иншоот қуриш ҳам кўзда тутилган. Уларнинг лойиҳа қиймати 680 миллион сўмни ташкил этади.

Вилоятда туризмни ривожлантиришга Бухоро юбилейига тайёргарликнинг ажралмас қисми сифатида қаралмоқда. Шу боисдан ҳам «Бухоротурист» ҳиссадорлик жамияти шаҳар тарихи ва унинг қутлуғ зиёратгоҳлари бўйича янги сайёҳлик маршрутлари тузиш, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш юзасидан махсус дастур ишлаб чиқди. Чет эл фирмалари билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар мамлакатимизга келаётган сайёҳлар сонининг ортишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Аждодларимиз ўзларидан буюк мерос қолдиришган. Биз уларнинг муносиб ворислари бўлишимиз керак. Зеро, жой одамни эмас, одам ўз жойини, Ватанини машҳур қилади. Бухорони ҳам Бухоройи Шариф қилган унинг фидоий фарзандларидир. Ана шундай фарзандларни камолга етказган юртнинг келажаги ҳам тарихидек буюк бўлиши шубҳасиз.







Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш бозор иқтисодиётининг зарур шартларидан биридир. «Гуфик-Авиценна» ҳинд-ўзбек қўшма корхонаси заминида вилоятда фармацевтика заводига асос солинди. Ҳозир бу ерда маҳаллий шароитда ўсадиган табиий гиёҳлардан турли хил дори-дармонлар тайёрланмоқда. Яқин келажакда корхонанинг иккинчи ва учинчи навбатини фойдаланишга топшириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини қирқтага етказиш кўзда тутилаётир.

**СУРАТЛАРДА: оператор Олим Омонов; қадоқлаш цехида; соя-салқин боғда яйраб дам олишга не етсин!**

**Т. КАРИМОВ олган суратлар.**

## ҚОРОВУЛБОЗОР МЎЪЖИЗАСИ

Инсон учун Ватан озодлиги, миллат эркинлиги, она-юртида Ҳуррият насимлари эсаётган қутлуғ кунни кўришдан-да, улуғроқ саодат, бўлмаса керак. Не бахтки, бизга Ватан мустақиллигини кўриш, истиқлол шабадаларидан тўйиб нафас олиш насиб этди. Энди эркинмиз. Бу эркинлик абадиятга дахлдор. Ҳур ўлканинг озод фуқаролари бугун миллий қадриятлар, анъаналарни қайта тиклаш билан бирга, юртнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, унинг порлоқ келажагини яратиш учун жонбозлик кўрсатаяптилар.

Асака, Кўкдумалоқ, Қўнғирот, Қоровулбозорда кенг кўламда ва кенг миқёсда олиб борилаётган қурилишлар фикримиз исботидир. Уч йил бурун қурилиши бошланган улкан иншоот -- Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилишига саноқли кунлар қолди. Хорижлик шериклар, «Бухоронефтьзаводқурилиш» трести, «Ўзсувқурилиш», «Ўзагроқурилиш», «Ўзсаноатқурилиш», «Бухороқурилиш» ташкилотлари, барча вилоятлардан келган 18 та трест ишчи-хизматчилари шижоати ва давлатимизнинг бевосита ёрдами натижасида саҳро бағрида ўз аҳамияти ва салоҳияти жиҳатидан Марказий Осиёда муҳим ўрин тутадиган гигант корхона бунёд этилди.

Мазкур завод 300 дан ортиқ катта-кичик иншоотлар мажмуидан иборат бўлиб, бугун бу ерда 12 минг киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг бутун куч ва имконияти ягона мақсад -- заводни белгиланган муддатда ишга туширишга қаратилган. Жонажон юртимиз ҳадемай ўз ёқилғисига эга бўлади.

Бўлажак корхона учун билимдон мутахассислар зарурлиги табиий. Шу сабаб бир гуруҳ ўзбек йигитлари Францияда таҳсил олмоқдалар. Албатта, улар нефтни қайта ишлаш соҳасида жаҳон андозаларига мос тажрибаларни ўрганиб қайтишади. Бундан ташқари, юртимизнинг ўзида ҳам корхонани малакали кадрлар билан таъминлашга аллақачон киришилган.

Чексиз қумликлар бағрида бунёд этилган Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш мажмуи ҳамда нефтчилар шаҳарчасини эртаклардаги мўъжизага менгзаш мумкин. Бу мўъжиза мустақиллик шарофати, қурувчиларнинг қадоқ қўллари ила қад ростлади. Бир томонда Асака, иккинчи ёқда Қоровулбозор... Булар иқтисодиётимиз таянчи, мамлакатимизнинг эртанги кунини нурафшон этувчи саноат ўчоқларидир.

**Ўз мухбиримиз.**

*ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН*

***Республикамизда божхона фаолиятини янада такомиллаштириш йўлида анчагина ишлар қилинмоқда. Бу борада қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинганлигини яхши биламиз. Куни кеча Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳам ана шу йўналишдаги ҳужжатдир. Август ойида ўтказилажак Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида ҳам ушбу соҳага оид учта қонун лойиҳаси муҳокама этилиши кўзда тутилган. Улардан бири «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳасидир. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳуқуқий бошқарма бошлиғи Олим Хўжаевга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.***

# БОЖХОНА ХИЗМАТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

**-- Олим Ҳабибуллаевич, сиз Олий Мажлиснинг иқтисодийислоҳотлар ва тадбикорликни ривожлантириш қўмитасидаги мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш ишчи гуруҳининг аъзосисиз. Суҳбатимизни ана шундан бошласак.**

-- Маълумки, сўнгги йилларда республика божхона ишида катта ислоҳотлар олиб борилмоқда. Шу кунга қадар бу ишга асос бўладиган учта қонун лойиҳаси тайёрланди ва Олий Мажлис сессиясида муҳокама этиш учун тақдим этилди.

Агар бевосита «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳасига тўхталадиган бўлсак, бу қонун мустақил республикамизнинг божхона тизими фаолиятини тартибга солиш заруратидан келиб чиққан. У божхоначиларнинг ижтимоий ҳимояси, иқтисодий алоқа билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар олдидаги мажбуриятлари ҳамда ҳуқуқлари, жавобгарликлари, божхоначиларнинг хорижий божхона хизмати ходимлари билан алоқаларини белгилаб берувчи ҳужжатдир.

**-- Қонун лойиҳасининг айрим муҳим бандлари хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз?**

-- Қонун лойиҳасини варақлаб кўрадиган бўлсак, илк бандларида божхона тизимлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари берилган. Яъни, божхона хизмати қайси қонун ва қоидалар асосида ўз ишини олиб боради.

Тўғриси, шу вақтгача божхона ишида айрим зиддиятли вазиятлар ҳам юзага келар эди. Чунки, божхона ишига оид ҳужжатлар тарқоқ эди. Ушбу лойиҳада чегарадан олиб ўтилаётган молларни тафтиш қилиш, юридик ва жисмоний шахслардан тегишли ҳужжатларни талаб қилиш, экспорт ва импортнинг олиб борилишини қайд этиш ва назорат қилиш, шу жумладан, божхона қонунчилиги бузилган ҳолатларда уларга қарши чора-тадбирлар белгилаш каби муҳим масалалар ўрин олган.

**-- Лойиҳада божхона хизмати ходимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари хусусида ҳам бандлар борми? Чунки, божхоначилар чегара ҳудудида хизмат қилиши, турли контрабандист ва бузғунчилар билан тўқнашиши эҳтимолдан ҳоли эмас.**

-- Албатта, лойиҳада бу жиҳатлар ҳам назардан қочирилмаган. Давлатимиз божхона хизмати ходимлари олдига масъулиятли ва шарафли вазифаларни юклайди. Лойиҳада божхона хизмати ходими ҳуқуқ ва бурчлари, мажбуриятлари аниқ баён этилган. Хизмат ходимларининг Ватан олдидаги қасамёди, ҳарбий унвонлари ва уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш масаласи шулар жумласидандир.

**«Халқ сўзи» мухбири Холмурод АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.**

## БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ЯҚИН

Шу кунларда мамлакатимизда янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Республика Халқ таълими вазирлиги моддий-техника таъминоти — «Таълимтаъминот» бош бошқармаси ҳам бу борада муҳим ишларни амалга ошираётир.

-- Бу йил мактаб ўқувчиларини кўпгина янгиликлар кутмоқда,-- дейди мазкур бошқарма бошлиғи Б. Ҳамидов. -- Жумладан, республикадаги барча биринчи синф ўқувчилари давлат томонидан зарур ўқув анжомлари, дарсликлар билан текин таъминланади.

Бундан ташқари, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларига кийим-бош ҳам берилади. Шуни айтиш керакки, бу йил 640 мингдан зиёд бола биринчи синфга боради.

**М. ШАРИФОВА,**
**ЎзА мухбири.**



*«Тошкент -- Денов» йўловчи ташиш поезди жамоасида ўз касбига меҳр қўйган хизматчилар кўп. Ҳаётулла Хўжамов -- шулардан бири. У ва унинг шериклари йўловчиларга намунали хизмат кўрсатмоқдалар.*

***СУРАТДА: вагон хизматчиси Ҳаётулла Хўжамов йўловчининг чиптасини текширмоқда.***

**Т. КАРИМОВ олган сурат.**

*1 АВГУСТ -- ЖАҲОН ЯДРО ҚУРОЛИНИ ТАҚИҚЛАШ КУНИ*

***Бани башариат ўз бошидан турли даврларда бир-биридан даҳшатли қирғин-барот урушларни кечирган. Қонли жангларда не-не алп йигитлар қурбон бўлганлар. Урушлар бегуноҳ аёллар, гўдакларни ҳам ўз домига тортган.***

# ОЛАМНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР

Ажал уруғини сочувчи уруш бешафқат, беомон бўлади. Иккинчи жаҳон урушининг сўнггида Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбалари ташланиши инсоният тарихида ақл бовар қилмайдиган фожеага сабаб бўлди. 1945 йил 6 ва 9 август кунлари Япония шаҳарларига ҳеч қандай заруратсиз атом бомбалари ташланди. Атиги бир дақиқада каттагина шаҳарнинг кули кўкка совурилди. Юз мингга яқин аҳоли бир лаҳзада ҳалок бўлди. Ўт тўфонида жизғанак бўлган яна 40 минг киши дастлабки уч кун ичида ёруғ оламдан кўз юмди. Чорак миллион аҳоли эса шаҳар касалхонасида узоқ йиллар тушуниб бўлмас, тузалмас касалликдан ўлишга маҳкум этилган эди.

Жафокаш япон халқи бошига тушган бу мусибатни жаҳон халқлари асло унутмайди. Ядро қуроли қурбонларининг хотираси ҳамиша эъзозланади. Тинчлик тарафдорлари, соф виждонли кишилар юксак халқаро минбарлардан туриб ялпи қирғин қуролларини таъқиқлашни талаб қилиб чиқдилар.

Хиросима марказида улкан ва ҳашаматли Тинчлик боғи барпо қилинган. Мангу олов ёнидаги меҳробга ҳар йили атом бомбаси уқубатларида ҳаётдан кўз юмган одамларнинг исми-шарифи ёзиб қўйилади. Япон қизи Садако хотирасига тикланган, ранг-баранг қоғозлардан ясалган лайлаклар шодаси осиб қўйилган ёдгорлик савлат тўкиб туради. Қизча ўн йил касалхона кроватига михланиб қолган, давосиз дарддан қутилиш умидида минг дона қоғоз лайлакчалар ясашга улгурган эди. Бироқ шафқатсиз ўлим унинг ҳаётига чангал солди. Норасида қизнинг дунёдан кўзи очиқ кетди. Хиросима музейида 1945 йилнинг ёзидаги мудҳиш кунда содир бўлган фожеанинг дастлабки соатлари ҳужжатли фотосуратлар, турли ашёвий буюмлар ёрдамида тиклаб намойиш қилишга муваффақ бўлинган. Уларни кўздан кечирган бирор инсон бу фожеага бефарқ қарай олмайди.

Хиросима ва Нагасаки фожеаси бутун инсониятни янги уруш хавфидан огоҳлантириб турибди. Унга сира йўл қўймасликка даъват этмоқда.

Ядро қуролидан уруш мақсадида фойдаланмаслик уни дунё миқёсида тақиқлаш учун ер курраси бўйлаб 50-йиллардаёқ оммавий ҳаракат бошланган эди. Ядро қуролига эга бўлган баъзи давлатлар уни биринчи бўлиб ишлатмаслик ташаббуси билан чиқдилар. 1964 йилдан буён 45 марта ер ости ядро синовларини ўтказган Хитой Халқ Республикасининг ҳукумати ўтган йили ядро қуролига эга бўлган давлатларга мурожаат қилди ва бир неча ташаббусларни илгари сурди. Булар, ўз ядро захираларини қисқартириш, ҳар қандай шароитда ҳам уни биринчи бўлиб ишлатмаслик, ўзга ҳудудлардан ядро қуролларини олиб чиқиб кетиш, ядро қуролларини тўла тақиқлаш ва уларни йўқ қилиш учун халқаро битим тузишдан иборатдир.

Осиё қитъасидаги ядро қуролига эга давлатлардан бири шундай ташаббус билан чиққанидан жаҳон афкор оммаси енгил тин олди. Барча ядровий давлатлар бу ташаббусни қўллаб-қувватласалар, кошки эди.

Бизнинг мустақил давлатимиз изчил тинчлик сиёсатига амал қилиб келаётир. Марказий Осиёда барқарорлик, тинчликни таъминлаш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда.

Яқинда мамлакатимиз «Марказий Осиё -- ядро қуролидан холи зона» ташаббуси билан чиқди. Мана шу мавзуда Тошкентда халқаро конференция ўтказиш мўлжалланмоқда. Мазкур конференцияга тайёргарлик доирасида ХХР Ташқи ишлар вазирлигининг нуфузли вакиллари Тошкентга келиб кетди. Ўзбекистоннинг тинчлик, тотувлик, низоли масалаларни музокаралар олиб бориш, тинчлик билан бартараф этиш сиёсати халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда.

**Анвар КАРИМОВ,**
**шарҳловчи.**

*ГАЗЕТХОН ХАБАР ҚИЛАДИ*

# ЭРТАНГИ АВЛОДНИ ЎЙЛАБ

*Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Мамлакат тақдири унинг тараққиёти, гуллаб-яшнаши инсон наслига, унинг ақлига, саломатлигига боғлиқ.*

*Бас, шундай экан, бугун дунёга келаётган ва эртага туғиладиган чақалоқлар авваламбор соғлом бўлиши шарт. Бунинг учун ҳар бир аёлни уйида, ишхонада, жамоат жойида эътибор, ғамхўрлик ва қадр-қиммат қуршаб турмоғи лозим.*

*«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими ана шу мезонларни ҳисобга олиб, оналар ва болалар саломатлиги мавзуидаги энг яхши мақолалар учун очиқ конкурс эълон қилди. Ғолиб деб топилган мақолада оналар ва болалар саломатлиги мавзуи теран, ўқимишли ва таъсирчан усулда ёритилиши лозим. Икки ой давом этадиган бу конкурсда нафақат вилоят қаламкашлари, балки республикамиздаги атоқли ижодкорлар, шифокорлар, олимлар ҳам иштирок этишлари мумкин. Биринчи ўринни эгаллаган мақола муаллифини 10 минг сўм мукофот пули кутмоқда. Конкурснинг ягона шарти шуки, барча мақолалар «Сирдарё ҳақиқати» вилоят рўзномасида чоп этилиши шарт.*

**Х. АЛИҚУЛОВ.**

*...ЁРДАМ СЎРАЙДИ*

# ТИНИҚ СУВНИНГ УЗОҚ ЙЎЛИ

***Халқимиз «Сув келтирган — элда азиз» деган гапни хўп топиб айтган экан-да. Қишлоғимизга кимдир машинада сув олиб келиб қолса, хўрозқанд еган боладек, оғзимиз қулоғимизга етади.***

***-- Талашиб-тортишиб сув харид қиламиз. Яна унга минг бор қуллуқ қилиб, раҳматлар айтамиз. Салкам ўн йилдан бери аҳвол шу. Маҳалламиз оқсоқоллари ёрдам сўраб қаерларга боришмади, аммо ҳанузгача натижа йўқ.***

***Тўғри, Тошкент тумани ҳокими муовини Б. Рустамов бир гуруҳ мутахассислар билан қишлоғимизга келиб, ичимлик суви масаласини 15 апрелгача ҳал қилишга ваъда берди. Минг афсуски, бу ваъда яна ваъдалигича қолиб кетди. Ҳамма гап хўжалигимиз раисида қолган. Бироқ у кишининг эртаси ҳеч тугамаяпти.***

**М. ҚОРАБОЕВ,**
**М. МАВЛОНОВА ва бошқалар.**

**Тўлабий номли жамоа хўжалиги,**
**«Қуш қўнган» қишлоғи.**



## МАКТУБЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

*...ТАНҚИД ҚИЛАДИ*

# ТАДБИРКОРГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

*Шўрчи туманидаги кўп тармоқли «Элбек» ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбариман. Биз асосан тош майдалаш, мармар увоғи тайёрлаш, оҳак пишириш билан шуғулланамиз. Бу маҳсулотларга эса талаб катта.*

*Бироқ транспорт воситасининг йўқлиги корхонамизга қимматга туша бошлади. Уни харид қилиш учун республика «Бизнес-фонди»дан 2 миллион сўм қарз олмоқчи бўлдик. Ва барча ҳужжатларни топширдик. Ниҳоят, 1996 йилнинг 7 июнида «Бизнес-фонд» бошқаруви раисининг биринчи муовини Б. Қаюмов имзоси билан бизга тегишли маблағ берилиши ҳақида қарор қабул қилинди.*

*Оворагарчилик ўшандан сўнг бошланди. Ўтган йили Тошкентга 30 марта, бу йил эса 10 марта бориб қайтдим. Энди маълум бўлишича, бизга кредит берилмас экан. Сабаби -- баъзи қоғозлар етишмасмиш. Наҳотки, шу фикрга келиш учун одамни бир йилдан ортиқ овора қилиш керак бўлса? Лоқайдлик, боқибеғамликнинг ҳам чегараси бордир, ахир?*

**Б. ҲАКИМОВ.**




## Бухоро вилояти:
# МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ

● *ДЕҲҚОН ТАОМИЛИ*

***Бухорода пахтачилик билан шуғулланмайдиган туман ёки жамоа хўжалигини тополмайсиз. Жумладан, Вобкент туманида ҳам бу борада катта тажриба мактаби мавжуд. Қишлоқлар оралаб юрсангиз, денгиз каби чайқалиб турган ям-яшил ғўзаларни кўриб, баҳри-дилингиз очилади. Биз тумандаги «Зарбдор» жамоа хўжалигида бўлганимизда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Хўжаликнинг 929 гектар ерига пахта экилган. 220 гектар майдондаги ғўза эса Андижон технологияси асосида парвариш қилинмоқда.***

## ЯХШИ НИЯТ — БЕЛГА ҚУВВАТ

...Деҳқон. Бу сўз замирида фидойи ва заргарона меҳнат, бунёдкорлик фаолияти мужассамдир. У эрта тонгданоқ яктаги барини белбоғига қистириб, «ҳайт» деганича даласи томон ошиқади. Хўжаликнинг 3 ва 7-бригадаларида ана шундай содда, заҳматкаш, дили пок инсонлар меҳнат қиладилар.

Учинчи бригада сардори Холиқ Мирзаев ўтган йили ҳар гектар ердан 49 центнердан ҳосил кўтариб, туманда энг юқори кўрсаткичга эришган эди. Хўш, нима бўлибди, дейсизми? Гап шундаки, истиқлол туфайли биз энди тонналарни эмас, оддий инсонлар тақдири ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолдик. Муносиб хизматлари учун Холиқ акага ҳам «Тико» енгил машинаси мукофотга берилибди. Беихтиёр машинанинг йўл кўрсаткичига назар ташлаймиз: 58 минг километр!

-- Нима бало, «Тико»да икки -- уч марта Америкага бориб келдингизми? -- ҳазиломуз сўраймиз Мирзаевдан.

-- Бу машиналарнинг кучқудрати дунёни тўрт марта айланишга ҳам етади. Туманимиз раҳбарларига раҳмат. Камтарин меҳнатимизни эътиборсиз қолдиришмади. «Тико» -- беминнат машина, пахтазор атрофидаги узун-қисқа йўлларда юриш учун қулай. Бу ёғи қишлоқчилик. Гоҳ у, гоҳ бу аъзомизнинг касалхонага, бозор-ўчарга иши тушади...

Суҳбатимизга 7-бригада бошлиғи Нажмиддин ака Норов қўшилади.

-- Мухбир ука, сизга айтсам, бу йилги режалар катта. Пахтамизни кўрдингиз, чакки эмас. Холиқбой мукофотга «Тико» олган бўлса, камина «Нексия»ни кўзлаб турибман. Уюшқоқликни бўшаштирмасак, марра бизники. Ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз. Яхши ният -- белга қувват, дейдилар.

Нажмиддин ака ҳақ. Зеро, унинг сўзи билан иши бир. Плёнка остига экилган пахтаси гуркираб ўсаяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар тупда 7-8 тадан кўсак бор. Ғўзаларнинг авжи оддий майдонлардагига қараганда анча баланд. Андижон усули Бухоро шароитида ўзини тўла оқлаяпти. Буни вилоят пахтакорлари чин дилдан эътироф этишмоқда.

Бухороликлар республикада биринчилардан бўлиб пилла ва ғалла тайёрлаш режасини бажардилар. Эндиги навбат -- пахтакорга. Ғўзаларнинг ривожи далалардан мўл-кўл ҳосил йиғиштириб олинишидан дарак бермоқда. Айни кунда заршуносларнинг қўли-қўлига тегмайди.

**М. ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





*Вобкент туманидаги «Зарбдор» жамоа хўжалигида пахтачилик ва ғаллачиликни баробар ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда.*

***СУРАТЛАРДА:** туман ҳокими М. Эсанов хўжаликнинг илғор комбайнчиси Ҳ. Жалиловга мукофот топшираётган пайт; Ғиждувон туманидаги «Чашма» хусусий корхонаси сут соғувчиси Зулайҳо Очилова.*

● *ҲАМКОРЛИК*

## «ГУФИК -- АВИЦЕННА»: САЛОМАТ БЎЛИНГ!

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқмоқда. Атиги олти йил муқаддам Бухорода дори-дармон заводи қурилармиш деса, биров ишониши қийин эди. Эндиликда ҳиндистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Гуфик -- Авиценна» дори-дармон ишлаб чиқариш қўшма корхонаси тараққиёт сари юз тутмоқда.

«Бухоро» ташқи иқтисодий алоқалар ассоциацияси корхона қурилишига ўз маблағи билан ҳисса қўшди. Бу ерда тайёрланган 17 хил дори республика «Дори-дармон» бирлашмаси томонидан рўйхатга олинди. Шундан олтитаси тажриба тариқасида ишлаб чиқарилиб, ҳозир текширувдан ўтказилмоқда. Амалиётга тавсия этилган «Цифалакин» ва «Напроксен» каби дори-дармонлар эса республикамиз дорихоналари орқали сотувга чиқарилаётир.

Заводнинг қуввати бир кеча-кундузда 700 минг дона таблетка, 200 минг дона капсула ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Уни барпо этиш учун 1.420 АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Ҳозирча бу ерда 116 киши меҳнат қилмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, сарфланган харажат 1,5-2 йил ичида қопланиши аниқ. Чунки корхона маҳсулотларига талаб ошиб бормоқда. Энг муҳими, асосий технологик жараёнларни бухоролик дорishунослар бошқаришаяпти. Ҳиндистонлик мутахассислар уларнинг ишидан ҳурсанд.

-- Корхонанинг иккинчи ва учинчи навбатларини ҳам ишга тушириш режалаштирилган. Бу босқичларда маҳаллий шароитда ўсадиган шифобахш ўсимликлардан турли хил доривор шарбатлар тайёрлаш, инъекциялар ва қон ўрнини босадиган тиббий аралашмалар ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Дори-дармонлар илмий анализ қилинадиган махсус лаборатория ташкил этилади. Умуман, яқин вақт ичида корхонада ишлаб чиқарилаётган дори-дармонларни қирқтага етказмоқчимиз, -- дейди «Бухоро» ташқи иқтисодий алоқалар ассоциацияси директори Жўра Мирзахўжаев.

Шуни айтиш керакки, ҳозирги кунда хориждан келтирилаётган дори-дармонлар республикамиз учун анча қимматга тушмоқда. Бухоро дори-дармон заводи маҳаллий хомашё ҳисобига унинг таннархини арзонлаштирмоқчи. Қолаверса, эҳтиёждан ортиқча маҳсулотлар қўшни давлатларга ҳам сотилади. Бу эса қўшимча даромад, демакдир.

● *БУ ҲАҚДА НИМА БИЛАСИЗ?*

## АРХИВЛАР — ХАЛҚ МУЛКИ

***Ўтмишимизнинг асл қиёфасини тўла идрок этишимизда архив материалларининг ўрни беқиёс. Айниқса, тарихий ҳақиқатларни аниқлаштиришда бу ҳужжатларни қайтадан, холисона тадқиқ ва таҳлил этиш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.***

Архивлик тарихи хусусида фикр юритиларкан, аввало, архив атамаси ҳақида маълумот берсак. Архив лотинча «архивум» -- ҳукумат биноси сўзидан олинган. Лекин «архив» атамасининг ҳозирги қўлланилиш маъноси бутунлай бошқача. Архив -- бу идоралар, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, тарихий шахслар фаолиятига оид ҳужжат ва материаллар сақланадиган муассаса.

Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви халқимизнинг маданий ёдгорликлар сақланадиган энг бой ҳазинаси ҳисобланади. Бу ерда энг қадимги ҳужжатлар-вақфномалар бўлиб, улар XIII-XX асрларга оиддир.

Марказий давлат архивида Қўқон, Хива хонлари архивлари, Бухоро амирлигининг Қушбеги архиви, Туркистон генерал-губернаторлиги, унинг барча ташкилотлари архивлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг октябрь тўнтаришидан кейинги, яъни собиқ совет даври ташкилотларининг архив материаллари сақланади. Мазкур архивда жами бир миллиондан ортиқ йиғма жилдлар мавжуд.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси бош архивчиси Б. Абдуллаева ва шу муассаса ходими З. Сулаймоновалар Малайзия Миллий архивининг таклифига асосан, Куала Лампур шаҳрида бир ойлик курсда ўқиб қайтишди. Уларнинг гувоҳлик беришларича, Малайзиянинг Техникавий Ҳамкорлик дастури асосида иш олиб борадиган мазкур курс 1984 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Унинг асосий мақсади ташкилотлардаги ҳужжатлар бошқарувининг тўғри йўналишдан боришига ёрдам беришдир.

Яна шуни айтиш керакки, сўнгги йилларда чет элларда тадбиркорлик архивларини ташкил этиш ва улар ишини юритиш билан боғлиқ масалаларга қизиқиш сезиларли даражада ортди. Шу ўринда АҚШда тадбиркорлик архивларининг пайдо бўлиши ва уларнинг тараққиёт тадрижи ҳақида ҳикоя қилувчи тарих фанлари номзоди И. В. Карапетянцнинг «АҚШнинг бизнес архивлари» китоби диққатга молик. Бу китобда ёзилишича, асримизнинг 40-йилларининг охирларидан бошлаб Америка университетларида бизнес-архив ихтисослиги бўйича ҳар йили талабалар қабул қилинади. Таълим эса иқтисодий тарих бўлимларининг дастурлари доирасида олиб борилади. Муҳими, бу ерда бизнес архивлари давлатнинг ҳужжатли тарихий мероси ва мамлакат миллий бойлигининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Бизда бу соҳада қандай ишлар олиб борилмоқда? Таъкидлаш жоизки, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги архив бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Қашқадарёнинг кўҳна, тарихий ёдгорликларга жуда бойлиги ҳаммага маълум. Шу боис Қарши шаҳрида вилоят ҳокимлигининг ҳомийлигида архив учун беш қаватли махсус бино қуриб ишга туширилди. У беш юз минг сақлов бирлигига қадар бўлган материалларни ўзида жамлай олади. Бу архивнинг Қарши, Шаҳрисабз, Ғузор, Муборак шаҳарлари ва 12 та тумандаги бўлимларида қисман қадимги даврга оид, асосан эса, 1924 йилдан кейинги вилоят ижтимоий ҳаётига тааллуқли ҳужжатлар сақланмоқда. Биз нодир ҳужжатларни асраб-авайлаш мақсадида чет эл тажрибаларини амалда қўллаяпмиз. Хусусан, қоғозлардаги матнларни замонавий компьютерларга кўчиришга аллақачон киришганмиз. Ахир вилоят архиви ва унинг барча филиалларида 106 минг 33 та ҳужжатлар борда. Бу эса -- жуда катта бойлик дегани. Вилоятимиз архивчиларининг асосий мақсади юртимиз ва элимиз тарихига оид ҳужжатларни жамлаш, йиғиш, уларни авлодларга бутун ҳолича етказиш учун муносиб сақлаш, ҳужжатлардан фойдаланишни юксак даражада ташкил этишдир. Бу борада улар жаҳон стандартлари даражасидаги сифатга эришишни кўзлаб меҳнат қилишаяпти.

Вилоят архивида ҳозир нафақат давлат ҳужжатлари, балки вилоятдан етишиб чиққан буюк шахслар, уруш қатнашчилари, зиёлиларнинг ҳам шахсий ҳужжатлари кўз қорачиғидек сақланмоқда.

Ўтган йили Қарши шаҳрида республика архивчиларининг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Бу анжуман туфайли республика, вилоят, шаҳар ва туманлар тараққиётига улкан ҳисса қўшган ватандошларимизнинг шахсий ҳужжатларини ўз вақтида, доимий равишда давлат сақловига қабул қилишни янада яхшилаш, ушбу масала билан боғлиқ «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилишини таъминлаш ишлари янада фаоллаштирилди. Мустақиллик ўзбек архивчилигида ҳам янги даврни бошлаб берди. Узоқ ва яқин ўтмишимизга, элимизнинг озодлик учун кураши тарихига янгича, соғлом назар билан қараш имконияти пайдо бўлди. Шу пайтгача «сир» сақланган айрим ҳужжатларни қайта баҳолаш, муҳими, архивлар фаолиятини юртимиз равнақи ва истиқболи учун йўналтиришнинг вақти келди. Буни чуқур ҳис этган кўплаб ташкилотлар, корхоналар, муассасалар раҳбарлари тегишли ҳужжатларни вақтида, керакли тартибда давлат архивларига топшириш ишига масъулият билан ёндошмоқдалар. Аммо вилоятда ҳалигача 10 мингдан зиёд корхона, ташкилот, муассасалар ўз ҳужжатларини давлат архивларига топширишмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Оқибатда бундай масъулиятсизлик туфайли оддий фуқаро тугул зиёлиларимиз ҳам нафақа ёшларига етгач, ўзлари учун муҳим бўлган маълумотларни тополмай, сарсон бўлишаётир. Шуни ҳисобга олиб, вилоят ҳокимлиги 1996 йил 25 октябрда махсус қарор қабул қилди. Бу ҳужжатга мувофиқ, барча давлат идоралари, муассаса, ташкилот, корхона, хўжаликлар ҳамда ҳуқуқий шахс мақомидаги бошқа тузилмалар ҳужжатлари ўз вақтида давлат архивига топширилиши лозим. Ўзбекистон Бош архив бошқармаси томонидан эса мазкур ҳужжат намуна сифатида татбиқ этилиши учун республикамизнинг барча вилоятларига жўнатилди. Чунки бошқа ҳудудларда ҳам юқорида қайд этилган муаммо ўз ечимини кутиб турибди.

Яқинда бўлимимиз яна бир хайрли ишни амалга оширди. Тарихчи олимлар И. Алимов ва Ф. Эргашевларнинг «Архившунослик» ўқув қўлланмаси чоп этилди. Бу китоб архившунослик бўйича республикада ягона ўқув қўлланмаси бўлиб, ундан талабалар, шунингдек, ҳар бир корхонанинг ҳужжатлар бўйича масъул ходимлари ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

Қадриятларимиз тикланаётган, тарихимиздаги «оқ доғ»ларга барҳам берилаётган, мамлакатимизнинг янги тарихи ёзилаётган, бутун диққат-эътибор инсон манфаатларига қаратилган ҳозирги кунда архивлар ишини янада такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

**Абдурашид БЎТАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти ҳокимлиги архив бўлими мудири.**

● *1997 ЙИЛ — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ*

## ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

***«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг дори-дармонлар, болалар кийимлари ва пойабзал ортилган самолёти Оролбўйидаги Мўйноқ шаҳрига келди.***

Бу мурувват ёрдамини «Экосан» халқаро жамғармаси Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси сессиясида сўзлаган нутқига жавобан ташкил қилди. Давлатимиз бошлиғи ўз нутқида жамоатчилик эътиборини Орол ва Оролбўйи муаммоларига яна бир бор жалб этиб, Мўйноқ тумани аҳолисини дори-дармонлар ва тиббий анжомлар билан таъминлаш қониқарсиз эканлигини таъкидлаган эди.

Мўйноққа келтирилган юклар орасида таркибида микро-элементлар бўлган «Мульти-табс» поливитаминлари, АСД витаминлари, минтақадаги болалар ва аёллар учун жуда зарур бўлган бошқа поливитаминлар бор. Уларнинг умумий қиймати қарийб 60 минг АҚШ долларига тенг. Дори-дармонларни Даниянинг «Ново Нордиск» фирмаси тақдим этган. Мурувват ёрдамини уюштиришда «Ўзбекбирлашув» ва «Ўзбексавдо» ҳам иштирок этди.

Мурувват тадбири давомида Мўйноқда «Экосан» жамғармасининг яхши жиҳозланган экология маркази очилди. Унинг вазифаси ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг Оролбўйи ижтимоий-экологик муаммоларини ҳал этишда ёрдам беришга қаратилган ишларини мувофиқлаштиришдан иборат.

**РАҲБАРЛАР! ЎҚИТУВЧИЛАР! ФУҚАРОЛАРГА!**

**«ENGLISH ONE TO ONE»**

*Ўзбек-инглиз курси Британиянинг ББС корпорацияси томонидан Ўзбекистон учун махсус ишлаб чиқилган.*

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги томонидан тавсия қилинган ва ББСнинг махсус рухсатномасига (лицензиясига) кўра «МАЖНУНТОЛ» фирмаси томонидан нашр этилади.. У иккита китобдан ва 3 дона 90 минутлик аудио кассетадан иборат.




*Бизнинг манзил:*
*700000, Тошкент шаҳри, Марказ-14, 33-уй.*
*(«ЎзгипроНИИПолиграф» институти биносида 3-қават).*
*Тел./факс 144-52-71.*

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**
*136-09-25.*

## ХАБАРЛАР ОҚИМИ

## ЁШЛАР ЯСМИҚ ЕТИШТИРМОҚДА

***Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси Андижон вилояти бўлимининг ташаббуси билан Жўраполвон номидаги жамоа хўжалигида вилоят бўйича ғалла экинларидан бўшаган майдонлардан самарали фойдаланишга бағишланган семинар бўлди.***

Булоқбоши туманидаги бу хўжаликнинг ёш деҳқонлари вилоятда биринчилар қаторида буғдойдан бўшаган 18 гектар ерни жамоа хўжалигидан ижарага олиб, ясмиқ экдилар. Мутахассисларнинг фикрича, ясмиқ кўп парвариш қилишга муҳтож эмас ва бизнинг шароитимизда икки ойда пишиб етилади. Ясмиқ поясидан чорва моллари учун озуқа сифатида фойдаланиш мумкин.

Вилоятнинг ёш деҳқонлари ўтган хўжалик йилида «Камолот» жамғармасининг бевосита мадади билан ғалладан бўшаган пайкалларда сабзавот ва полиз экинлари етиштирган, чорвачилик учун маккажўхори ва бошқа оралиқ экинларини экkан эдилар. Бу йил андижонлик ёшлар жамғарма раҳбарлигида минг гектар майдонга картошка, сабзавот, полиз экинлари экдилар. 200 гектар ерда ясмиқ етиштирилмоқда. Бу эса, озиқовқат дастурини бажариш билан бир вақтда қишлоқ ёшларининг анча қисмини иш билан таъминлашга имкон беради.

## ЗУЛФИҚОР БОБОНИНГ БОҒИ

***Дўстлик туманидаги Саркисов номли ижара ширкатлар бирлашмасида истиқомат қилувчи 74 ёшли Зулфиқор бобо Нуралиевнинг боғи айни ҳосилга кирди.***

Суяги меҳнатда қотган бобо бундан бир неча йил муқаддам тўрт ўғли - Муҳаммаджон, Махмуджон, Маъмуржон ва Маҳкамжонлар билан хўжаликдан ижарага бир гектар ер олиб боғ яратишга киришган эди.

Ҳамма иш ерни парваришлашдан бошланди: унинг шўри ювилиб, ўтўланлардан тозаланди, чуқур ҳайдалиб, зарур миқдорда ўғит солинди. Сўнгра турли хил мевали дарахт кўчатлари экилди. Улар ҳосилга киргунга қадар қатор ораларида полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилди. Мана энди Зулфиқор бобонинг боғи ўзига, хўжаликка катта наф келтира бошлади.

-- Истиқлол туфайли деҳқон рўшнолик кўраяпти,- дейди Зулфиқор бобо мамнуният билан.- Оиламиз билан меҳнат қилиб кам бўлмаяпмиз. Ўғилларим ушбу боғдан келган даромад ҳисобига янги уй-жой қуриб олди, мол-холли бўлдик. Уй-рўзғоримиз учун зарур дон ва чорвамиз учун ем-хашак ҳам даламиздан чиқмоқда. Унинг атрофига набираларимга уй-жой қуриш учун тераклар ҳам экиб қўйганман.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЯНГИ ФАБРИКА

Жиззахда янги корхона - акрил толаси ишлаб чиқарадиган фабрика ишга тушди. Маълумки, акрил трикотаж буюмлари корхонаси учун асосий хомашё ҳисобланади. Жиззах трикотажчилари уни шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бунинг учун бир қатор хорижий мамлакатлар тўқимачилик машинасозлиги заводларида ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Янги корхонанинг ишга туширилиши икки юз нафар кишини доимий иш билан таъминлаш имконини берди.

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ

**ТИФЛОКС**

Бактерияга қарши восита қуйидаги вазиятларда қўлланилади:

- ич терлама;
- септицемия;
- инфекция;
- сийдик-жинсий;
- суяклар, бўғинлар;
- қуйи нафас йўллари;
- тери, юмшоқ сирт;
- иммунитети сусайган беморни профилактика қилиш.

ДОЗА

**5-7 кун давомида кунига 2 маҳал 1,2 ёки 3 таблетка**

*сурхан аджанта фарма лимитед*

**Чирчиқ шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси**

***1997 йил 16 сентябрдан 18 сентябргача***

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида ўтказиладиган

*"Бухгалтерлик ҳисобини автоматлаштириш"*

*(соғлиқни сақлаш ва халқ таълимида)*

**МАВЗУИДАГИ СЕМИНАРГА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**



*Семинар дастурида бухгалтерлик ҳисобида персонал (махсус) ЭҲМ дан фойдаланишнинг методологик муаммолари ўрин олган.*

Маълумот учун телефон: 8 (37171) 5-32-15 - Чирчиқ шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси;
факс: 8 (3712) 65-26-47 - Тошкент вилояти Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси.

**АПКАЛ-Г**

*самарали дори бўлиб, қуйидаги мақсадларда ва болалар учун ҳам қўлланиш мумкин:*

- **суяк-бўғин аъзоларини мустаҳкамлаш;**
- **тиш эмалини мустаҳкамлаш;**
- **аллергия хасталиклари ва рахитнинг олдини олиш.**

***Меъёри:* кунига икки маҳал бир таблеткадан.**




*сурхан аджанта фарма лимитед*

**АПАЛЬГИН**

*АНАЛЬГИН -500 мг*




*сурхан аджанта фарма лимитед*

● ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

# ЖАМОЛИНГДАН АЙЛАНАЙ, ҲУРРИЯТ!

**Мустақил Ўзбекистонимиз муборак олти ёшга тўляпти. Дунёда шундай лаҳзалар, ойлар, йиллар бўладики, уларнинг садағаси кетсанг арзийди. Мустақиллик босиб ўтган ана шу йилларда беқиёс ўзгаришлар юз бердики, барчасига жаҳон гувоҳ бўлиб турибди. Ўтиш жараёнидаги турли қийинчиликлар ўткинчи эканини эса ҳаммамиз ҳис қилиб турибмиз. Энг улуғ неъмат -- Истиқлол абадий бизникидир.**

**Маданиятимизнинг не-не дарғалари бу кунларни орзу қилиб, етолмай ўтдилар. Шукроналар бўлсинки, мустақилликни кўриш ва уни куйлаш бизларга насиб этди. Йўлбошчимиз таъкидлаганларидек, халқимиз онгида миллий тикланиш бошланди. Айниқса, ижодкорларимиз олдида кенг уфқлар очилди. Биз Ҳурриятимизни тўлиб-тошиб куйлашдек бахтга мушаррафмиз.**

**Мустақиллик мушоираси бошланди.**

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси.

*Муҳаммад ЮСУФ*

## ЎЗБЕКИСТОН

*Ялпизлари кўкка туташ,*
*Йўли ипак,*
*Суви маржон.*
*Майизлари -- қотган қуёш,*
*Қуёшлари куйдирмажон.*
*Олтин дала,*
*Олмос қалам,*
*Зумрад осмон,*
*Зилол бўстон.*
*Кузда кетган қушлари ҳам,*
*Ёзда топиб келган айвон --*
*Ўзбекистон, Ўзбекистон!..*

*Дунё ичра тенгсиз дунё,*
*Зарчопон қалб,*
*Ялангтўшим.*
*Қўли очиқ,*
*Меҳри дарё,*
*Қаҳри босиқ,*
*Кўнглибўшим,*
*Ўғлига от бўлиб чўкиб,*
*Қизига аллалар айтган,*
*Белбоғига борин тўкиб,*
*Тўйга бориб тўймай қайтган,*
*О, бола феъл,*
*О, болажон*
*Ўзбекистон, Ўзбекистон!..*

*Ўзини ўйламай-ўйлаб,*
*Фарзандини юрган «сиз»лаб.*
*Ўнга кирмай боласига*
*Сарпо йиққан,*
*Қаллиқ излаб.*
*Бизда урф шу,*
*Борингни қўй --*
*Тўртта ўзбек тўпланса тўй.*
*Боланг учун*
*Керак бўлса,*
*Жонингни сот,*
*Кўзингни ўй.*
*Тўк топганинг,*
*Ёз дастурхон --*
*Ўзбекистон, Ўзбекистон!..*

*Тўйда унут гина-араз,*
*Бўшар кўнгил -- қўҳна чорбоқ.*
*Сал шивирлаб айтилса бас,*
*Келаверар кўчиб қишлоқ.*
*Ким отлиқ,*
*Ким пиёдадир,*
*Ким қисқа,*
*Ким зиёдадир.*
*Эшитганки келаберсин,*
*Тўй қиламиз дунёда бир --*
*Бир ёқ водий,*
*Бир ёқ сурхон,*
*Ўзбекистон, Ўзбекистон!..*

*Тўйда яйрар майда боллар,*
*Қўрин тўкар тандирлар ҳам.*
*Тўйда --*
*Ўттиз яшар чоллар,*
*Йигирмада --*
*Кампирлар ҳам...*
*Нозик қўллар нонлар ташиб,*
*Кўзлар кўҳлик юзлар излар.*
*Тўй баҳона, ёр танлашиб,*
*Ҳурсанд бўйга етган қизлар,*
*Йигитчалар юрар султон!..*
*Ўзбекистон, Ўзбекистон!*

*О, она юрт,*
*Она маскан,*
*Ўхшашингни топай қайдан.*
*Сен-ку менга зор эмассан,*
*Сенсиз қандай яшарман ман?*
*Тилим ости --*
*Кулинг новвот,*
*Айирмасин ўчоғингдан.*
*Койиганда койи, фақат*
*Қўйма мени қучоғингдан.*
*Сенсиз қолмай*
*Зор-у ҳайрон,*
*Ўзбекистон, Ўзбекистон!*

*Ой тўлгани*
*Шунча бўлар,*
*Кун туғса шу*
*кунча бўлар.*
*Сенсиз икки қадам қўйсам,*
*Юрак куйган кулча бўлар.*
*Қайда сендек вафоли ёр,*
*Қайда сендек сўлим диёр,*
*Сенга бир дил бердим, тамом,*
*Бу меҳрим ўлгунча бўлар.*
*Ўлсам ҳам сен ахир макон --*
*Ўзбекистон, Ўзбекистон.*

*Бу дунёда*
*Мен-ку одам,*
*Ватан деб чирқирар қуш ҳам!..*
*Қуллуқ қилиб,*
*Ўз уйига*
*Бошин эгиб кирар қуш ҳам.*
*Бу-ку бир шеър,*
*Садқа минг жон,*
*Ўзинг қўшиқ,*
*Ўзинг достон,*
*О, отамдан*
*қолган қўрғон --*
*Ўзбекистон,*
*Ўзбекистон!..*

## Бухоро вилояти:
# МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН ОЛТИ ЙИЛ





*Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак. Қалби, чеҳраси, сўзи ҳам . Бундай одамларнинг дилига санъат шавқи чўғ ташлаган бўлса, улар яратган асарлар ўзлари каби тоза ва хушчирой бўлиб қолади. Бухороча миллий ҳунармандчилик усталари яратган санъат намуналарида қадим ва мангу гўзалликни кўрасиз.*

***СУРАТЛАРДА:** (чапдан) бухоролик ҳунармандлар Д. Тўлаева, М. Аҳмедов, Ш. Ғуломов, Д. Норпўлатова.*

**Т. КАРИМОВ олган суратлар.**

# МАЪНАВИЯТИМИЗ БЕШИГИ

***Жаҳон маданиятининг юксак даражага кўтарилган барча босқичларини Бухоро маънавиятисиз тасаввур этиш амримаҳол. Тарихий манбалар шундан далолат берадики, ҳатто бу шаҳар дастлабки Уйғониш даври тараққиётининг марказларидан бири бўлган. Юнонистон маданияти ҳам қадимги Мовароуннаҳр, Бухоро маънавияти таъсирида шаклланиб, ривожланган. Бундан минг йил аввал ёзилган Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Абул Ҳасан Нишопурийнинг «Ҳазойинул-улум», яъни «Илмларнинг хазинаси» ва бошқа кўпгина асарларда шаҳарнинг бой ўтмиши ҳақида эътиборли далиллар келтирилади.***

Мусулмон оламида Бухоройи Шарифнинг шуҳратини улуғлаган нарса унинг Ислом маънавияти уйғониш даврларининг ҳамма босқичларига кўрсатган маънавий таъсиридир. Бу ҳақдаги фикрлар 1922 йилда Гайдельбергда рус тилида босилиб чиққан Адам Мецнинг «Мусулмон ренессанси», академик Н. Конраднинг «Ғарб ва Шарқ цивилизацияси» номли асарларида эътироф этилган. Ислом маданиятида катта мактаб яратган йирик пирлардан бири ҳазрат Ҳожа Абу Хафс Имоми Ҳожатбарор Кабир Бухорий (760--832) ҳисобланади. Бу алломанинг ҳикматлари ва кароматлари туфайли Бухоройи Шариф «Қуббуттул Ислом» («Ислом дининииг гумбази») деб аталган. Муҳаммад Наршахий «Бухоро аҳолисининг илмли бўлиши, имомлар, уламоларнинг ҳурмат ва эътибор топишида Абу Хафс Кабир сабабчидир», деб бежиз ёзмаган. Ислом фалсафасининг муҳим таркибий қисми тасаввуф таълимотидаги Яссавий, Хўжагон, Нақшбандия, Кубровия каби йўналишларнинг Бухоройи Шарифда шаклланиши ва ривожланиши ҳам Абу Хафс Кабир фаолияти билан боғлиқдир.

Абу Хафс Кабир асос солган бу мактабдан ҳадис илмининг султони Исмоил ал-Бухорий ва унинг шогирдлари ат-Термизий, ат-Носирийлар етишиб чиққан. Ҳадисчилик илмининг бошқа мактабларидан Бухоройи Шариф мактабининг фарқи шунда бўлганки, ундаги илмий тушунчалар, фикрларнинг ишончлилиги манбаларга асосланган, хулоса ва ҳукмларнинг мантиқийлигига эътибор қаратилган.

Бухоро фақат илму каромат, дину диёнат масканигина эмас, балки илми ҳикмат, илми донишмандлик бешиги ҳам ҳисобланади. Наршахийнинг ёзишича, 890 йилда Исмоил Сомоний саройи ҳузурида «Савин-ул ҳикмат» номли йирик кутубхона барпо этилади. Абу Али Ибн Сино ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳолида Шарқдаги дастлабки бу кутубхона ҳақида шундай дейди: «Мен бу ерда ўқиган ва кўрган китобларнинг кўпчилигини ҳатто номини эшитмаган эдим. Мен уларни бундан олдин ва бундан сўнг ҳам ҳеч бир ерда кўрмадим». Ушбу кутубхонада қомусчи олим, тиббиёт илмининг билимдони, файласуф Арастудан кейин «Устози Сония» («Иккинчи устоз») мақоматини олган Абу Наср Форобий, шоирлар Абдулло Жаъфар Рудакий, Дақиқий, Фирдавсийлар ижод қилганлар ва жаҳон маънавиятининг ўсишига муносиб ҳисса қўшганлар. 937 йили Бухорода Шарқдаги биринчи йирик мадраса -- Фаржок мадрасаси иш бошлаган. Унда фанларнинг барча соҳалари бўйича турли маърузалар ўқилган, дунёнинг турли мамлакатларидан талабалар келиб таълим-тарбия олишган. Уни Мовароуннаҳрда барпо этилган дастлабки йирик олий ўқув юрти -- дорилфунун деб ҳисоблаш мумкин.

IX--XI, XIV--XV асрларда Мовароуннаҳрда, Бухорода юксак даражада ривожланган маънавият Арабистон орқали Испанияга ва ундан Оврупанинг бошқа мамлакатларига тарқалиб, аста-секин Оврупа Уйғониш даврининг келиб чиқишига туртки бўлди. Швейцариялик олим Адам Мец ўзининг юқорида қайд этилган «Мусулмон ренессанси» номли китобида IX -- X ва XIV -- XV асрларда Бухорода ташкил топган Темурийлар давлатидаги маданий юксалиш билан XVI асрдан Оврупада бошланган Уйғониш даври ўртасида кўпгина умумийликлар, ўхшашликлар борлигини кўрсатиб ўтади. XVI асрдан кейин Туркистон амирликлари ва хонликлари ўртасида пайдо бўлган келишмовчиликлар маънавиятнинг ўсишига ҳар томонлама тўсқинлик кўрсатди. Аввал чоризм истибдоди, кейинчалик Шўро тузуми бир пайтлар жаҳон цивилизациясининг бешигини тебратган халқимизнинг бой ўтмишини оёқ ости қилишга уринди. Аммо тарих маънавияти бой халқ иродасини букиб бўлмаслигини исбот этди. Истиқлолимизнинг олти йиллигини нишонлаётган халқимиз XXI аср бўсағасида янги ренессанс (уйғониш) даврига қадам қўйди. Қадимий маънавиятимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун катта имкониятлар яратилмоқда.

**Ортиқ ВАФОЕВ,**
**фалсафа фанлари номзоди, доцент.**

● *БАЙРАМОЛДИ ТУҲФАСИ*

# БЕМОРЛАР МАРКАЗГА ШОШИЛМАЙДИ

***Бу йил Фарғона вилоятида 8та қишлоқ врачлик шифохонаси қуриш мўлжалланган. Уларнинг илгариги фельдшерлик пунктларидан фарқи шундаки, бу ерда марказий шифохоналарга хос барча имкониятлар яратилади.***

Яқинда Қува туманидаги Болалик қишлоғида шундай маскан фойдаланишга топширилди. 20 та хонадан иборат бу шифохона икки ой ичида қуриб битказилди. У -- оддий шифохона эмас. «Кварц», «Солллюкс» сингари физиотерапевтик ускуналарга эга. Бундан ташқари, лаборатория, тўрт ўринли стационар, физиотерапия хоналари ҳам мавжуд.

Шифохонанинг Болалик қишлоғида бунёд этилгани ҳам бежиз эмас. Хўжалик марказидан 6 километр, Қува шаҳридан эса 20 километр масофада жойлашган мазкур қишлоқда 3,5 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

Энди Болалик қишлоғи аҳолиси хўжалик ва туман марказига қатнашга мажбур бўлишмайди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БОЛАЛАР МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШМОҚДА

Наманган вилоятида болаларнинг ёзги дам олишларини мароқли ўтказишга алоҳида эътибор берилаётир. Бу борада ташкилот, корхоналар, хусусий тадбиркорлар яқиндан ёрдам беришяпти.

Жумладан, «Наманганкиновидео» акционерлик бирлашмаси жамоаси оромгоҳларда намойиш этиладиган 500 дан ортиқ қизиқарли бадиий фильмлар рўйхатини тақдим этди. Айни пайтда вилоятдаги барча оромгоҳларда, дам олиш масканларида ана шу фильмлар намойиш этилмоқда.

**А. МАДАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


# Радиотелефон

## SP-R916 900MHz

**Кенгайиши - 4 та трубкагача. Интерком. 12 разрядли ЖК дисплей. Фойдаланиладиган каналларнинг диапазони кенг. Рақамли пароль. Таъминот батареясининг ҳолати индикацияланади. Кириш белгилари қопқоқни очмай қабул қилинади. Хотираси 21 рақамигача. Товушлар танлаб қайта узатилади. Охирги номер такрорланади. Кенгайиш трубкалари автомат усулда номерланади. Таъминот батареяси қуввати тугаётганидан огоҳлантиради. Сигнал етиб бора оладиган зонадан ташқарига ўтилганлиги ҳақида огоҳлантиради. База блоки конструкцияли - деворга осилади, столга қўйилади.**

## Фирма дўконлари

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ТОУ Ко. Лтд. | *Тошкент* | Амир Темур кўчаси, 110 | (3712) | 34-02-58 |
| | | | | 35-09-86 |
| Кафолат Файз | *Тошкент* | Эскижўва кўчаси, "Чорсу" бозори | (3712) | 42-29-89 |
| Кафолат Файз | *Тошкент* | Қодирий кўчаси, 1, "Турон" меҳмон. | (3712) | 41-46-38 |
| Отахон | *Фарғона* | Ал-Фарғоний кўчаси, 20 | (3732) | 24-78-76 |
| Наврўз | *Андижон* | Мустақиллик кўчаси, 14 | (37422) | 43-8-60 |



Technology that works for life
SAMSUNG ELECTRONICS

Шартнома асосида етказиб бериш масаласи бўйича мурожаат этинг:
"Самсунг Электроникс Ко." Алмати офис:
Алмати, Орбита-3, 52"А"-уй.
Тел.: (3272) 20-55-36, 20-39-47, 20-63-05.
Факс: 20-12-38.

SAMSUNG



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Ҳуқуқ ва қонунчилик 36-37-85;*
*Иқтисодиёт 36-36-65, 36-07-94;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28;*
*Эълонлар 36-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0522, 34.845 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Сафаров.
Навбатчи — Н. Шониёзов.
Мусаҳҳиҳ —Ш. Режапов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 22. 35 1 2 3 4 5 6